


١٦. مروج الذهب ومعادن الجوهر، أبي الحسن على بن الحسين المسعودي (ت ٤٣٦ هـ)، بعناية: كمال حسن مرعي، المكتبة العصرية بيروت، ط ١، ٢٠٠٥ م.
١٧. معجم مقاييس اللغة، أحمد بن فارس (ت ٩٣٥ هـ)، تحقيق: عبد السلام هارون، دار الفكر، ١٣٩٩ هـ - ١٩٧٩ م.
١٨. المعجم الاستشاقاني المؤصل لأنفاظ القرآن الكريم، د. محمد حسن جبل، مكتبة الآداب، القاهرة، ط ١، ٢٠١٠ م.
١٩. مقالات الإسلاميين، أبو الحسن الأشعري، عن بتصححه: هلموت ريتز، دار فرانز شتاير، بمدينة فيسبادن (ألمانيا)، ط ٣، ١٤٠٠ هـ - ١٩٨٠ م.
٢٠. مقالات الإسلاميين، أبو الحسن الأشعري (ت ٤٣٢ هـ)، ت: محبي الدين عبد الحميد، مكتبة النهضة المصرية، ط ١، ١٩٥٠ م.
٢١. المواقف في علم الكلام، عضد الدين عبد الرحمن بن أحمد الإيجي (ت ٧٥٦ هـ)، عالم الكتب، بيروت.
٢٢. الواقي بالوفيات، صلاح الدين خليل الصفدي (ت ٩٦٤ هـ)، ت: أحمد الأرناؤوط وتركي مصطفى، دار إحياء التراث العربي، بيروت، ط ١، ٢٠٠٠ م.
١٥. Zaynuddin al-Hanafi. (1999). Mukhtar al-Sihah. Beirut: al-Maktaba al-Asriyya.
١٦. Al-Mas'udi. (2005). Muruj az-Zahab. Beirut: al-Maktaba al-Asriyya.
١٧. Ahmad bin Faris. (1979). Mu'jam Maqayis al-Lughah. Darul Fikr.
١٨. Muhammad Hasan Jabal. (2010). Al-Mu'jam al-Ishtiqaqi. Cairo: Maktaba al-Adab.
١٩. Abul Hasan al-Ash'ari. (1980). Maqalat al-Islamiyyin. Wiesbaden: Daru Faraniz.
٢٠. Abul Hasan al-Ash'ari. (1950). Maqalat al-Islamiyyin. Cairo: Maktaba al-Nahda.
٢١. Adududdin al-Iji. (Year of pulication is unknown). Al-Mawaqif fi Ilm al-Kalam. Beirut: Alam al-Kutub.
٢٢. Salahuddin al-Safadi. (2000). Al-Wafi bil-Wafayat. Beirut: Daru ihya at-Turath al-Arabi.

REFERENCES

- Taqiyuddin al-Subki. (1995). *Al-Ibhaj fi Sharh al-Minhaj*. Beirut: Darul kutb al-ilmiyya.
- Abu Abdullah al-Muqaddasi. (1991). *Ahsan al-Taqasim fi Ma'rifat al-Aqasim*. Cairo.
- Ahmad Sa'd al-Damanhuri. (2018). *Al-Imam al-Maturidi wa Manhaj Ahl al-Sunnah fi Tafsir al-Qur'an*. Dar al-Nur al-Mubin.
- Abdul Fattah al-Maghribi. (1985). *Abu Mansur al-Maturidi wa ara'uhu al-kalamiyya*. Maktabatu Wahba.
- Abul Husayn al-Khayyat. (Year of pulication is unknown). *Al-Intesar war Radd 'ala Ibn al-Rawandi*. Cairo: Maktaba ath-thaqafa ad-diniyya.
- Abu Mansur al-Maturidi. (2005). *Ta'wilat Ahl al-Sunnah*. Beirut: Darul kutub al-ilmiyya.
- Abu Mansur al-Maturidi. (2004). *Ta'wilat Ahl al-Sunnah*. Dar ar-Risala.
- Abul Mu'in al-Nasafi. (1993). *Tabsira al-Adilla*. Turkey: Diyanet Vakfi Yayınları.
- Wasili Bartold. (1981). *Turkistan*. Kuwait: al-Majlis al-Watani.
- Al-Imam Abu Hanifa. (Year of pulication is unknown). *Al-Fiqh al-Akbar*. Cairo: al-Maktaba al-Azhari.
- Abu Hamid al-Ghazzali. (1940). *Qanun al-Ta'wil*. Matba'a al-Anwar.
- Abu Mansur al-Maturidi. (Year of pulication is unknown). *Kitab al-Tawhid*. Beirut: Daru Sadir.
- Ibn Hajar al-Athqalani. (2002). *Lisan al-Mizan*. Darul Bashair.
- Shamsuddin Saffarini. (1982). *Lawami' al-Anwar al-Bahiyya*. Damascus: Muassasatu Khafiqin.



Jaloliddin Kh. HAMROQULOV,
Researcher of the International
Islamic Academy of Uzbekistan.
A.Kadiri str. 11, 100011,
Tashkent, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/4/8

ҲАДИС ТҮПЛАМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

HADITH COLLECTIONS AND THEIR TYPES

СБОРНИКИ ХАДИСОВ И ИХ ВИДЫ

КИРИШ

Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, шу асосда ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳалқимиз асрлар давомида илм-маърифатга интилган ва дунё цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган миллатлар сирасига киради.

Мовароуннахрда этишиб чиққан алломалар илм-фаннынг тури соҳаларида ижод қилганлар. Ҳусусан, уламолар томонидан ҳадис илмига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ҳамда асрлар ёзилган. Шундай бўлсада, бу бебаҳо меросни ўрганиш, маърифатсевар ҳалқимизга ҳамда мусулмон оламига етказиш ишлари мустамлакачилик даврларда тақиқланган эди. Мустақиллик шарофати, айниқса, сўнгги йилларда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ҳадис илми борасида ҳам изланишлар олиб бориш имконини яратмоқда.

Ҳадис илми икки қисмдан иборат ҳолда ўрганилади: “Ривоят илми” (ҳадисни ривоят нуқтаи назаридан билиш) ва “диroyat илми” (ҳадисни тушуниш нуқтаи назаридан билиш). “Ҳадисни ривоят нуқтаи назаридан билиш” деганда, Пайғамбар (с.а.в.) сўzlари, феъллари, такрирлари, сифатлари, ҳадисдан қандай маъно ва фойда олиш мумкинлиги ҳақидаги илм тушунилади. Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа муҳаддисларнинг саҳиҳ, сунан, муснад каби ҳадис тўпламлари ривоят илмига оид асрлар ҳисобланади.

“Ҳадисни тушуниш нуқтаи назаридан билиш” деганда, санад ва матнни билиш, унинг ишончлилик даражасини аниқлаш, шунга қўра ҳадиснинг қабул қилиниши ёки рад этилишини ўрганиш тушунилади. Имом Ромаҳурмузий, Имом Ҳоким, Имом Ибн Салоҳ каби муҳаддисларнинг “улуму-л-ҳадис” йўналишида ёзган асарлари дироят илмига оидdir. Кенг ҳалқ оммаси орасида асосан ривоят илмига оид ҳадис тўпламлари танилган бўлса, мутахассислар учун дироят илмига оид тўпламлар алоҳида дикқатга сазовор.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ривоят илмига оид асарлар асосан қўйидаги мавзуларда ёзилган бўлиб, барча мавзуларни ўзида жамлаган асарлар “жавомеъ” (бирлиги “жомеъ”) деб номланади. “Жомеъ” лугатда “жамловчи”, “қамраб олувчи” маъноларида келади. Истилоҳда эса, ҳадис мавзуларининг барчасини ўзида мужассам этган тўплам ҳисобланади. Ҳадис мавзулари дейилганда ақоид, хукм, риқоқ (нафосат)га оид ҳадислар, сийишичиш, туриш-турмуш, сафар қилиш одоблари, шунингдек, тафсир, тарих ва сийрат, фитналар, маноқиб (фазилат) ва масолиб (камчилик) кабилар назарда тутилади. Муҳаддислар юқорида зикр этилган ҳадис мавзулари бўйича алоҳида китоблар тасниф этишган. Уларни қўйидагича келтириш мумкин:

1. Ақоид ҳақидаги ҳадис тўпламлари. Бу “Тавхид илми” деб номланади. Мазкур йўналиш бўйича Абу Бақр ибн Хузайманинг “Китобу-т-тавхид”, Байҳақийнинг “Китобу-л-асмо ва-с-сифот” каби асари мавжуд.

2. “Таҳорат” бобидан “васиятлар” бобигача фикҳ тартиби бўйича ҳукмга оид ҳадислар тўпланган китоблар. Булар “Сунан” деб номланади. Бу бўйича ёзилган асарлар жуда кўп бўлиб, уларнинг машҳурларига Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Насойининг “Сунан” асарларини мисол келтириш мумкин. Имом Термизийнинг “Сунан”идаги ҳадислардан сайланмасини Абдулғани Абдуллоҳ ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирган. Мирзо Кенжабек эса “Сунан”нинг биринчи жилдини ўзбек тилига ўтирган ва у таҳорат, намоз ва закот китобларини ўз ичига олади.

3. “Риқоқ” (Нафосат) ҳақидаги ҳадислар. Мазкур мавзуга оид тўпламлар “Сулук ва зуҳд илми” деб номланади. Имом Аҳмад ва Абдуллоҳ ибн Муборакнинг “Китобу-з-зуҳд” асарлари шулар жумласидандир.

Аннотация. Мақолада ҳадис түшүнчасы, ҳадис илми ва унинг турлари, ҳадис илми бүйича ёзилган асарлар ҳақида атрофлича таҳлил қылинган. Жұмладан, ҳадис илми “ривоят илми”, яғни ҳадисни ривоят нұқтаи назаридан билиш ва “диюят илми” – ҳадисни түшүнниш нұқтаи назаридан билиш каби турларга ажратылған ҳолда тадқиқ қылинған. Шунингдек, мақолада ҳадис илми бүйича ёзилған түплемалар асарнинг хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда таснифланышы, шунингдек ҳадис китобларининг умумий мавзулари ёритилған. Хусусан, ҳадис түплемаларида ақоид, ҳукм, риқоқ (нафосат)га оид ҳадислар, ейши-ичиши, турмуш тарзи, сафар қылыш одоблари, тағсир, тарих ва сийрат, фитна ва ёмонликлар, инсоний фазилатлар ва иллатлар каби мавзулар ҳақида сүз борған.

Шу билан бирга, мақолада ҳадис илмининг ривожланиши жараёни саҳобалар, тобеинлар, табаъ тобеин ва кейинги давр каби босқычлар асосида даврластирилған ҳамда ҳар бир даврнинг хусусияти очиб берилған. Жұмладан, саҳобалар даврида ҳадисларнинг тарқалишида оғзаки услугуб кенг тарқалғани, кейин-роқ ҳадисларни ёзии ва түплем ҳолига келтириши аңъанаси шаклланғани баён қылинған. Шунингдек, ҳадис илми бүйича изланишлар олиб борған муҳаддис олимлар ва улар томонидан ёзилған асарлар ҳақида ҳам маълумотлар берилған. Муҳаддисларнинг ҳадис илми ривожидаги хизматлари эвазига ижтимоий илмлар мисли күрілмаган даражасада тарағай әтгани, соғага оид юзлаб асарлар пайдо бўлгани далиллар асосида мақолада ёритиб берилған.

Калит сұздар: ҳадис, суннат, сийрат, ровий, ривоят, ақоид, ҳукм, жомеъ, сунан, маноқиб, масолиб, саҳоба, тобеин.

Abstract. The article provides detailed information about the concept of hadith, the science of hadith and its fields, and the works written on the science of hadith. In particular, it was justified that the science of hadith is divided into "science of riwayah", that is, knowledge of hadith from the point of view of narration, and "science of dirayah", that is, knowledge of hadith from the point of view of understanding hadith. Also, the article shows that the collections written on the science of hadith are classified based on the nature of the work, and the general topics of the hadith books are highlighted. In particular, the collections of hadiths deal with topics such as aqeedah, judgment, hadiths about riqaq (refining), eating and drinking, lifestyle, travel etiquette, interpretation, history and seerah, fitna and vices, human virtues and defects.

At the same time, in the article, the process of the development of hadith science is periodized based on stages such as companions, followers, successors, and subsequent periods, and the characteristics of each period are revealed. In particular, it was stated that during the time of the companions, the oral method was widespread in the transmission of hadiths, and later, the tradition of writing and compiling hadiths was formed. Also, information is given about the muhaddith scholars who researched the science of hadith and the works written by them. The article highlights the fact that thanks to the services of muhaddith scholars in the development of hadith science, social sciences have progressed to an unprecedented level, and hundreds of works related to the field have appeared.

Keywords: hadith, sunnah, seerah, narrator, narration, aqeedah, judgement, jami', sunan, manaqib, masalib, companion, follower.

Аннотация. В статье дана подробная информация о понятии хадис, науке о хадисах и их видах, о работах, написанных по хадисоведению. В частности, обосновано, что наука о хадисах делится на «науку о передатчиках», то есть знание хадисов с точки зрения повествования, и «науку о диаятах» - знания с точки зрения смыслового понимания хадисов. Также в статье сборники, написанные по науке о хадисах, классифицированы по характеру работы, а также выделены общие темы сборников хадисов. В частности, сборники хадисов касаются таких тем, как акоид, суждение, хадисы о рикаке (очищении), еде и питье, образе жизни, дорожном этикете, толковании, истории и сирате, фитне и пороках, человеческих достоинствах и недостатках.

При этом в статье периодизируется процесс развития хадисоведения на основе таких этапов, как сподвижники, табиины, таба' табиин и последующие периоды, а также раскрываются особенности каждого периода. В частности, указывалось, что во времена сподвижников был распространен устный способ передачи хадисов, а позже сформировалась традиция записи и составления хадисов. Также приводятся сведения об ученых-мухаддисоведах, проводивших исследования по науке о хадисах, и написанных ими трудах. В статье подчеркивается тот факт, что благодаря заслугам ученых-мухаддисоведов в развитии хадисоведения социальные науки продвинулись на беспрецедентный уровень, и появились сотни работ, связанных с этой областью.

Ключевые слова: хадис, сунна, сират, рассказчик, повествование, акоид, ҳукм, джаме, суннан, манакиб, масалиб, сахабы, тобеин.

4. “Одоб-ахлоқ”қа оид ҳадислар жамланган асарлар. Бу “Одоб илми” деб номланади. Ушбу мавзуда имом Бухорий “ал-Адабу-л-муфрад” асарини ёзган. Имом Бухорийнинг мазкур асарини ўзбек тилига олим Ш.Бобохонов “Одоб дурданалари” номи билан чоп этган. Таржима тўлиқ бўлмагани учун кейинчалик Н.Атабоев томонидан қолган қисмлари ҳам ўзбек тилига ўтирилган ҳолда нашр эттирилган. Шунингдек, Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф “Одблар хазинаси” номида алоҳида шарҳ ёзган.

5. Тафсирга алоқадор бўлган ҳадис тўпламлари. Бу “Тафсир илми” деб номланади. Бу йўналишга “Иbn Мардавайҳ тафсири”, “Дайламий тафсири”, “Иbn Жарир тафсири” мисол бўлади. Ушбу асарлар ҳадисга асосланган тафсирлар ичida энг машҳурлари ҳисобланади. Барча тафсирларда ҳадислар учрасада, бу услугуб асосан ривоятларга (ҳадис, осор) асослангани учун шундай номланган.

6. Тарих ва сийрат ҳақидаги ҳадис тўпламлари. Улар ўз навбатида иккига бўлинади.

Биринчиси, осмон, ер, ҳайвонот олами, жин, шайтонлар, фаришталар, ўтган пайғамбарлар ва аввалги умматларнинг яратилиши ҳақидаги ҳадислар бўлиб, “Бада-л-халқ” – “яратилишининг боши” деб номланиб, бу тарихга алоқадор ҳисобланади.

Иккинчиси, Пайғамбар (с.а.в.) туғилишларидан вафот этгунларига қадар бўлган давр. Шунингдек, саҳобалар, аҳли оиласлари ҳақидаги ҳадислар бўлиб, улар “сийрат” деб номланади. Бу бобга оид ёзилган асарлар жуда кўп. “Иbn Исҳок сийрати”, “Иbn Ҳишом сийрати”, “Мулло Умар сийрати” шулар жумласидан. Саййид Жамолиддин Муҳаддиснинг “Равзатул-аҳбоб” асари сийратлар борасидаги энг яхши услугуда ёзилгани билан ажralиб туради.

7. “Фитналар илми” деб номланган ҳадис тўпламлари. Нуайм ибн Ҳаммоднинг “Фитналар китоби” бу бўйича мукаммал асар ҳисобланади.

8. Маноқиб (фазилатлар) ҳақидаги ҳадислар. “Маноқиб илми” деб номланади. Бу илм бўйича ҳам кўп асарлар ёзилган. Пайғамбар (с.а.в.) аҳли оиласи, саҳобалари, жаннат башорати берилган ўн саҳоба, Курайш қабиласи, ансорлар, хулафои рошидин маноқиблари бўйича китоблар таълиф этилган (Абдул Фаттоҳ Абу Фудда, 1990:103).

Бироқ юқоридаги саккиз турга оид асарларнинг барчасини ҳам мавзуларни қамраб олган деб бўлмайди. Масалан, Имом Термизийнинг “Сунан” асари деярли барча мавзуга оид ҳадис-

ларни жамлагани учун уни “Жомеъ” ҳадис тўплами дейиш мумкин. Имом Бухорий асари ҳам шу услугуда ёзилган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, Имом Муслимнинг “Саҳих” тўплами юқорида зикр қилинган барча илмларга оид ҳадисларни ўз ичиға олсада, тафсир ва қироат илмига оид ҳадислар мавжуд бўлмагани боис у жомеъ деб атальмаслигини Абу Ула Мухаммад Абдураҳмон ибн Абдураҳим Муборакфурий (1283/1866–1353/1934) “Тухфатул-Ахвазий” асарида қайд этиб ўтади (Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, 2019:27).

МУХОКАМА

Муҳаддисларнинг фаолияти натижасида пайдо бўлган ҳадис тўпламларини муаллифнинг асарни номлашидан келиб чиқсан ҳолда ҳам турларга ажратиш мумкин. Масалан, “Саҳих” номли китоблар. Бу тўпламларда асарнинг номига “саҳих” сўзи қўлланган. Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг асарларидан ташқари, Ибн Ҳузайма, Ибн Сакан, Ибн Ҳиббон ва бошқаларнинг “Саҳих” номли асарлари мавжуд. Бироқ уларнинг ишончлилик даражаси “Сиҳоҳи сита” (олти ишончли тўплам)нинг талабларига тўлиқ мос келмагани сабабли тўпламга киритилмаган. Бошқача айтганда, “Сиҳоҳи сита”даги тўпламлар орасида “Сунан” кабилар ҳам борки, улардаги ҳадислар бошқаларга қараганда ишончли бўлгани учун шу даражага кўтарилиган. Шунингдек, деярли барча тўпламлардаги ҳадислар иснодлар билан ёзилгани учун уларни “Муснад” деб аташ ўринли бўлади. Аммо улардаги ҳадисларни жамлаш услубида иснодлар биринчи ўринга олиб чиқилмаган, балки ўз мавзуси билан тартибланган. “Муснад” туркумидаги ҳадис тўпламларида асосан иснод асос қилиб олинган ва шу услугуда жамланган. Шунингдек, барча юқорида кўрсатилган ҳадис мавзуларини ўзида жамлаган, боблар асосида тўпландиган асарлардан қўйидагиларни келтириш мумкин:

1. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил Бухорийнинг “Саҳихи Бухорий” номи билан машҳур бўлган “ал-Жомеъ ал-муснад ас-саҳих ал-муҳтасар мин умур Расулуллоҳ (с.а.в.) ва сунаниҳи ва айямиҳ”.

2. Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож Қушайрийнинг “Саҳихи Муслим” номи билан машҳур бўлган “ал-Жомеъ ас-саҳих ал-муҳтасар мин ас-сунан би нақл ал-адл ан ал-адл ан Расулуллоҳ (с.а.в.)” асари.

3. Абу Исо Мұхаммад ибн Исо Термизийнинг “Сунан” номи билан машхур бўлган “ал-Жомеъ ал-муҳтасар мина-с-сунан ан Расулиллаҳ (с.а.в.)” асари.

Бу уч асардан бошқа “жомеъ” номи билан машхур асарлар:

1. Маъмар ибн Рошиднинг (ваф. 154/771) “Жомеъ” асари. Бу асарни муҳаддис Абдураззок ривоят қилган бўлиб, “Мусаннаф” номи билан нашр қилинганд. Ҳадис ва осорларининг сони 2614 тага етади.

2. Ибн Ваҳб Фихрийнинг (ваф. 197/812) “Жомеъ” китоби.

3. Разин ибн Муовия Сарқустийнинг (ваф. 535/1140) “Жомеъ” асари. Олим Ибн Асир “Жомеъ ал-усул” асарида бир қанча жойлардан ундан нақл қилган.

Шунингдек, кейинги олимлар томонидан ҳам “жомеъ” асарлар ёзилган бўлиб, уларда муайян олимнинг китобига (масалан, Бухорий, Мұслим) асосланиш тамойтили мавжуд. Улар бир неча китоблардаги ҳадисларни жамлаган, ҳадислар иснодлар билан көлтирилмаган ҳамда матнининг ўзи ва ривоят қилган муҳаддиси билан берилган. Улар:

1. Ибн Асир номи билан машхур бўлган Муборак ибн Мұхаммад ибн Абдулкаримнинг (ваф. 606/1209) “Жомеъ ал-усул мин аҳодис-ар-Расул” асари.

2. Ибн Дабиъ номи билан машхур бўлган Абдураҳмон ибн Али Шайбонийнинг (ваф. 944/1537) “Тайсир ал-вусул ила жомеъ ал-усул” асари. Бу Ибн Асирнинг “Жомеъ ал-усул” асарининг муҳтасари хисобланади.

3. Шайх Алоуддин Али Муттақий Ҳиндийнинг (ваф. 975/1567) “Канз ал-уммом фи сунан ал-ақвол ва-л-афъол” китоби.

4. Мұхаммад ибн Сулаймон Рудоний Мағрибийнинг (ваф. 1094/1683) “Жамъ-ал-фавоид мин жомеъ-ал-усул ва мажмасъ аз-завоид” асарларини көлтириш мүмкин.

Бу ҳадис тўпламлари орасида мусталаҳул-ҳадис тўпламлари ўзига хос ўрин эгаллайди. Мусталаҳу-л-ҳадис илмини биринчи бўлиб тизимга солиб китоб ёзган олим қози Абу Мұхаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон ибн Халлад Ромаҳурмузий (ваф 320/932)дир (Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф, 2011:76). У ўзининг “ал-Муҳаддис ал-фосил байна-р-ровий ва-л-ваъий” асарини ёзиб, бу йўналишда илк қадам қўйди ва қоида, усулларни ишлаб чиқди. Асар шу соҳадаги барча мавзуларни қамраб олмаган. Бироқ Ромаҳурмузийдан кейин мазкур соҳада бирорта олим анча вақтгача деяр-

ли фаолият олиб бормади. Сўнг Ҳоким Мұхаммад ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Найсубурий (ваф. 405/1014) “Маърифа улума-л-ҳадис” асарини ёзди. Сўнгунга эргашиб Аҳмад ибн Абдуллоҳ Абу Нуайм Исфаҳоний (ваф. 430/1039 й.) Ҳокимнинг асарига мустаҳраж ёзган (Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф, 2011:67).

Бу олимлардан кейин шу соҳада асар ёзиш кўпайиб, янги қоидалар, атамалар, услублар жорий қилинди.

Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1071) “ал-Кифоя фи илм ар-ривоя” асарини ёзиш баробарида шу соҳанинг бир жузи бўйича энг катта китоблардан бири бўлган “ал-Жомеъ ли ахлоқ ар-ровий ва адаб ас-сомеъ”нинг муаллифи саналади. Бу асар ҳадис ривоят қилаётган устоз ва уни ўрганаётган шогирднинг одоб-ахлоқи бўйича барча ривоятларни ўзида жамлагани сабабли ҳам талабалар учун мухим асар хисобланади.

Шунингдек, Қози Иёз (ваф. 544/1149) “ал-Илму фи забт ар-ривоя ва тақыйид ас-самъ” асарини, Умар ибн Абдулмажид Абу Ҳафс Моянижий (ваф. 580/1184) “Ма ла ясау ал-муҳаддис жаҳалху”, асарини ёзиб колдириди.

Ҳофиз, фақиҳ Усмон ибн Салоҳ Абу Амр Шаҳразурий (ваф. 643/1245) ўзидан олдин ўтган олимларнинг асарларини синчилкаб ўрганиб, уларни бир жойга жамлайди ва “Муқаддима Ибн Салоҳ” (“Улум ал-ҳадис” номи билан ҳам юритилади) асарида жуда кўп фойдали маълумотларни көлтиради. Шунинг учун кейинги олимлар ушбу асарга алоҳида эътибор қаратиб, унинг илмий услубини тутишган. Улар орасида ушбу асарни шеърий услубда ёзган, муҳтасар қилган ва турли белгиларни қўйганлар бўлди. Улардан Зайнуддин Ироқий, Бадруддин Заркаший, ҳофиз Ибн Ҳажарни көлтириш мүмкин. Имом Ҳофиз Шайхулислом Мұхайдидин Нававий (ваф. 676/1277) Ибн Салоҳ асарини қисқартириб “ал-Иршод ила илм ал-иснод” номли китоб ёзди ва кейинчалик уни ҳам қисқартириб “ат-Такриб ва-т-тайсир ли маърифат сунан ал-башир ан-назир (с.а.в.)” деб номлади. Суютий эса мазкур китобни “ат-Тадриб” номида шарҳлаган. Бу асар 2 жилда нашр этилган.

Ибн Салоҳ асарини Зайнуддин Абдураҳим Абул Фазл Ироқий (ваф. 806/1403) баъзи жойларини қисқартириб, қўшимчалар қўшган ҳолда шеърий байтларга солиб чиқкан ва бу “Алфия ал-Ироқий” номи билан машхур бўлган. Мұхаммад ибн Абдураҳмон Саховий (ваф. 902/1497) эса, “Алфия ал-Ироқий”ни “Фатҳ ал-муғис” номда шарҳ ёзган ва 4 жилда нашр этилган (Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф, 2011:36).

Илм-фан ва жаҳон тамаддуни ривожида ўчмас из қолдирган муҳаддислар ўз асарларида Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари, саҳобаларнинг сўзлари ва тобеинларнинг фатволарини ҳам жамлашган. Муҳаддисларнинг фаол бўлиши натижасида юзлаб асарлар пайдо бўлди ва ҳадис илми мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Натижада ҳадис илмига оид соҳаларда юзлаб асарлар пайдо бўлди.

Ҳадис илми тарихида саҳобалар даври тугаб, тобеинлар даврининг ўрталарига, яъни хижрий юзинчи йилга келгандা тобеинлар орасидаги ҳадис билимдонларининг фатҳ этилаётган жойларда вафот этиши, халқларнинг ислом динига ўтиши ва шу билан бирга, ёлғон ҳадисларнинг кўпайиши кузатилди. Мана шу сабабли умавийлардан бўлган саккизинчи халифа Умар ибн Абдулазиз (681–720) нинг топшириғига биноан, халифалиқдаги олимлар ҳадисларни тўплашга киришишган. Бу ишни расмий равишда биринчи бўлиб Муҳаммад ибн Шихоб Зухрий (670–721) бошлаб берган. Шундан сўнг ҳадис китобларини ёзиш одат тусига кириб, бу ишни бошқа олимлар ҳам давом эттиришган. Маккада биринчи бўлиб Ибн Журайж (ваф. 767) ва Ибн Исҳоқ (ваф. 768), Мадинада Саид ибн Абу Аруба (ваф. 773), Роби ибн Субайҳ (ваф. 776) ва Имом Молик (ваф. 795), Басрада Ҳаммод ибн Салама (ваф. 799), Куфада Суфён Саврий (ваф. 777), Шомда Абу Амр Авзоий (ваф. 773), Хурсонда Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (ваф. 797), Яманда Мамар (ваф. 771), Райда Журайж ибн Абдулҳамид (ваф. 804), Воситда Ҳушайм (ваф. 789) ва бошқалар амалга оширишди (Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромахурмузий, 1984:122).

Улар асосан ўzlари яшаб турган шаҳардаги мавжуд ҳадисларни жамлаш билан шугулланишган. Шу тариқа, муҳаддислар ҳадисларни – Пайғамбар (с.а.в.)дан қолган меросни саҳобаларнинг сўзлари ва тобеинларнинг фатволари билан бирга тўплай бошлишди. Замон ўтиши билан муҳаддислар фақат ривоятларни эмас, балки ривоят қилаётган шахс ҳақидаги маълумотларни ҳам назардан четда қолдиришмади. Натижада ҳадис илмида “жарҳ ва таъдил” илми (айблаш ва адолатли санаш, ровийлар адолати ва забти ҳақида баҳс юритиб, ишончли ёки ишончсизлиги ҳақида якуний хулоса чиқарувчи ровийга танқидий ёндашиш услуби) пайдо бўлди. Бу илм туфайли муҳаддислар ҳадис иснодларида учрайдиган ровийларнинг ишончлилик даражасини кўрсатиб ўтишди. Шунингдек, ҳадис илмига оид манбалар орасида ҳадис илмига оид атамаларни ўрганувчи соҳа “Усул ал-ҳадис” (мусталаҳ ал-ҳадис

ёки улум ал-ҳадис деб ҳам номланади) ҳам алоҳида ривожланди, ҳамда бу борада кўп китоблар ёзилди (Абдул Фаттоҳ Абу Фудда, 1990:169).

Жоҳилият араблари орасида ёзишни била-диган кишилар жуда кам бўлган ва улар жамиятда алоҳида қадрланиб келинган. Ислом келган пайтда Маккада бор-йўти ўн етти киши ўқиш ва ёзишни биларди. Улар – Абу Бақр Сиддиқ, Умар ибн Ҳаттоб, Али ибн Абу Толиб, Усмон ибн Аффон, Абу Убайдада ибн Жарроҳ, Толҳа, Язид ибн Абу Суфён, Муовия ибн Абу Суфён, Абу Суфён ибн Ҳарб, Абу Ҳузайфа Утба ибн Рабиа, Ҳотиб ибн Амр, Абу Салама ибн Абдулласад Махзумий, аёллардан эса Шифо бинт Абдуллоҳ Адавия, Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг завжалари Ҳафса бинт Умар, Умму Гулсум бинт Уқба, Карима бинт Микдод эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) пайғамбар бўлганларидан кейин кишиларни саводли қилишга ахамият бердилар. Саҳобаларни, айниқса улар орасидаги ёшларнинг саводини чиқаришига алоҳида тарғиб қилганлар. Ёзишни биладиган саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшигтан нарсаларини ёзишга ҳам харакат қилишган ва ўzlари учун керакли деб билганларини саҳифаларга ёзib боришган.

Араб тилида саҳифа сўзи қоғоз маъносини билдириб, айрим саҳобалар томонидан ҳадислар ёзилган вараклар тушунилади. Саҳифалар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хос котибларида бўлиб, ўша вақтда кўпчилик орасида тарқалмаган ҳамда умумий жамланмаган эди. Жобир ибн Абдуллоҳ, Саъд ибн Убода, Самрат ибн Жундуб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос каби саҳобаларнинг ҳадислар ёзилган саҳифалари мавжуд бўлган. Булардан ташқари, Расулуллоҳ (с.а.в.) турли жойлардаги кишиларга ёзган хатлари ҳам ҳадислардан иборат. Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида ҳадисларни қўйидаги саҳобалар ёзib боришган:

Абу Бақр Сиддиқ (ваф. 13/634), Умар ибн Ҳаттоб (ваф. 23/644), Усмон ибн Аффон (ваф. 35/655), Али ибн Абу Толиб (ваф. 40/661), Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (ваф. 63/683), Абу Ҳурайра Давсий (ваф. 59/679), Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 68/687), Жобир ибн Абдуллоҳ (ваф. 78/697), Самура ибн Жундуб (ваф. 58/678), Анас ибн Молик (ваф. 93/712), Саъд ибн Убода Анзорий (ваф. 15/636).

Умуман ҳадисни қайд этиб борган саҳобалар: Абу Айюб Анзорий (ваф. 50/670), Абу Бақра Сақафий (ваф. 50/670), Абу Райҳона Аздий, Абу Саид Ҳудрий (ваф. 63/683), Абу Мусо Ашъарий (ваф. 42/662), Убай ибн Каъб (ваф. 30/651), Усайд

ибн Ҳузайр (ваф. 20/641), Баро ибн Озиб (ваф. 71/690), Жарир ибн Абдуллоҳ (ваф. 51/671), Ҳасан ибн Али (ваф. 49/669), Рофе ибн Хадиж Ансорий (ваф. 74/693), Зайд ибн Арқам (ваф. 68/687), Зайд ибн Собит (ваф. 45/665), Салмон Форсий (ваф. 35/656), Захҳок ибн Суфён Килобий (ваф. 11/632), Захҳок ибн Қайс (ваф. 64/684), Абдураҳмон ибн Оиз, Абдураҳмон ибн Авғ (ваф. 86/705), Абдуллоҳ ибн Зубайр (ваф. 73/692), Абдуллоҳ ибн Умар (ваф. 73/692), Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/653), Амр ибн Ҳазм Ансорий (ваф. 51/671), Мухаммад ибн Маслама (ваф. 43/663), Муоз ибн Жабал (ваф. 17/638), Муовия ибн Абу Суфён (ваф. 60/680 й.), Муғира ибн Шуъба (ваф. 50/670 й.), Нуъмон ибн Башир (ваф. 64/684 й.), Восила ибн Асқа (ваф. 83/702) (Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий, 1984:239).

Мазкур даврда ҳадис ёзиб борган саҳобий аёлларга қуидагилар киради: Асмо бинт Умайш (ваф. 40/660), Сабиа Асламийя Оиша бинт Абу Бакр Сиддиқ (ваф. 58/678), Фотима бинт Қайс (ваф. 50/670), Фотима бинт Мұхаммад (ваф. 11/632).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оснинг (ваф. 65/684) “Ас-Саҳифа ас-содиқа” номли саҳифаси алоҳида аҳамият касб этади. Бу Расулуллоҳ (с.а.в.) даврида ёзилган машҳур саҳифалардан бири ҳисобланади. Абдуллоҳ ибн Амр: “Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган ҳар бир ҳадисни ёдлаш учун ёзиб юрар эдим. Курайш қабиласи вакиллари, қандай қилиб Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган ҳадисни ёзасан, у киши инсон бўлса, хурсанд бўлганда ҳам, хафа бўлганда ҳам гапиради, деб мени ёзишдан қайтиришди. Ёзишни тўхтатдим ва бу ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в.)га айтганимда у зот: “Ёзавер, нафсим қўлида бўлган Зотга қасамки, мендан ҳақиқатдан бошқа нарса чиқмайди”, – дедилар”, – деди (Абу Исо Термизий, 1993:57).

Шунингдек, Абу Ҳурайра ҳам юкорида келтирилган маълумотни таъкидлайди: “Мендан бошқа Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларини яхши биладиган киши ийӯқ, факат Абдуллоҳ ибн Амр бундан мустасно. У қўли билан ёзиб, қалби билан ёдларди, мен қалбим билан ёдлаб, қўлим билан ёзмасдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга ёзишга изн берганлар”, – деган (Абу Исо Термизий, 1993:61).

Абдуллоҳ: “Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида айтгандарини ёзиб олар эдик”, – деган (Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф, 2011:61). Бу саҳобаларнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) айтган ҳадисларини ёзганларига далил бўлади. Мужоҳиддан ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Амр олдида саҳифани кўриб у ҳақда сўрадим. У: “Бу

содиқадир (ҳаққоний саҳифа), унда Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган ва орамизда хеч ким (бирор ровий) булмаган ҳадисларни ёзганман”, – деган (Абу Исо Термизий, 1993:35). Абдуллоҳ ибн Амр: “Дунёда менга икки хислат рағбат уйғотади: Содиқа (саҳифа) ва Ваҳт. Содиқа Расулуллоҳ (с.а.в.) дан ёзган саҳифам. Ваҳт эса, Амр ибн Осс садака қилган ер бўлиб, у бу ерда ишлар эди” (Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф, 2019:232).

НАТИЖА

Олимлар бу саҳифанинг тарихий аҳамиятини Расулуллоҳ (с.а.в.) олдиларида, ўзларининг руҳсатлари билан ёзилганини эътиборга олган ҳолда юксак баҳолашган. Ибн Асирнинг қайд этишича, ушбу саҳифадан мингта ҳадис ўрин олган. Агар бу саҳифа бугунги кунгача етиб келмагандা, унинг мавзуси етиб келган бўларди, чунки у Имом Аҳмаднинг “Муснад”ида сакланган. Шунингдек, олимлар Абдуллоҳга руҳсат берилишининг сабаби, унинг сурёний ва араб тилини билишини, хотога йўл қўймаганини сабаб қилиб келтиришади. Кейинчалик Абдуллоҳнинг невараси Амр ибн Шуайб мазкур саҳифадан ҳадис ривоят қилгани манбаларда қайд этилган. Тобеин Мужоҳид ушбу саҳифага иштиёқи баланд бўлгани ва Абдуллоҳ ибн Амр олдида кўрганини кўп тақрорлаган (Раҳимжонов Дурбек, 2003:12).

Ҳаммом ибн Мунаббиҳ олим тобеинлардан бири бўлиб, у Абу Ҳурайра билан учрашган ва ундан кўп ҳадис ёзиб олган. Бу ҳадисларни жамлаб, уни “ас-Саҳифа ас-саҳиҳа” деб номлайди. Буни Имом Аҳмад “Муснад”ида тўлиқ ҳолда нақл қилган. Имом Бухорий ҳам ундан кўп ҳадислар келтирган. Бу саҳифа катта аҳамият касб этиб, илк ислом даврида ҳадислар ёзилганига ёрқин ҳужжат, далил бўла олади. Сайиид Абдулмажиднинг айтишича, Доктор Мұхаммад Ҳамидуллоҳ Ҳайдарободий бу асарнинг икки нусхасини аниқлаб, бу асар ҳозиргача тўлиқ етиб келганини тасдиқлаган (Уватов Убайдулла, 1994:49).

Жобир ибн Абдуллоҳ ўз замонасида Мадина муфтиси ва фақиҳи бўлган. Унинг саҳифаси бир жуздан иборат. Жобир набавий масжидда талабалар учун ҳалқа ташкил қилиб, кўплаб катта тобеинлар ундан ҳадис ёзиб олишган (Абу Мұхаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий, 1984:66). Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Жобирнинг бу саҳифаси тобеинлар орасида тарқалиб, ундан ёзиб олишган.

Олимларнинг қайд этишича, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг бир қанча саҳифалари мавжуд. Имом Заҳабийнинг айтишича, қарид кўзи кўрмайдиган бўлиб қолганда, тобеинлар ўша саҳифалардан ўқиб бериб туришган. У вафот этгандан кейин ўғли Али отасининг мавлоси Курайдан ҳадислар керак бўлганда саҳифани сўраб олиб нусха кўчириб қайтариб берган.

Муҳаддис ва факиҳлар Амр ибн Ҳазм Ансорийнинг машҳур саҳифасига қаттиқ эҳтиром кўрсатиб, ҳатто уни саҳифа эмас, китоб деб номлашган. Акром Зиё Умарийнинг айтишича, бу саҳифадан тўрт мазҳаб имомлари ҳам нусха кўчириб фойдаланишган (Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий, 1984:66).

Анас ибн Моликнинг ҳам ёзиб юрган саҳифаси бўлган. Чунки у ўн ёшидан бошлаб Расулуллоҳ (с.а.в.)га хизмат қилган ва ўз қўли билан ҳадисларни ёзиб юрганига шубҳа йўқ. Барча шогирдлари қатори фарзандлари – Мусо, Назр ва Абдуллоҳдан ҳам ёзишни талаб қилган. Унда саҳифа бўлганини шогирди Ҳубайра ибн Абдураҳмон шундай келтиради: “Агар Анас ибн Моликдан кўп ҳадис сўралса, халта олиб чиқар ва бу Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ёзиб олган ҳадисларим, деб жавоб берарди” (Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий, 1984:67–68), – деган. Анас ибн Молик ҳар қачон талабалари олдига ҳадисни ёздириш учун чиқканда одатига кўра, “Бу китоблар шундай китобларки, унда Набий (с.а.в.) дан эшигтганларим бор. Бу китобларнинг барчасини сизга дарс қилишингиз ва унга диққат-эътибор кўрсатишингиз учун бераман”, – дер эди.

Исломдан олдин ҳам ёзишни билган Саъд ибн Убоданинг (ваф. 15/636) ўз саҳифаси бўлган. Олимларнинг айтиши бўйича саҳифани оиласи ўз бисотида сақлаб юрган.

Булардан ташқари, Ибн Ҳажарнинг “Рисола”, Ибн Саъднинг “Табакот” асарида, ғарб олими И.Голдциернинг айтишича, Самура ибн Жундубнинг (ваф. 60/680) ҳам “Саҳифа”си бўлган. Буни ўғлига қолдирган бўлиб, уни Ҳасан Басрий ҳам кўрган. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ўғлига қолдирган ёзувлари, Муоз ибн Жабалнинг Яманга Расулуллоҳ (с.а.в.) топшириқларига биноан кетаётганда ўзи билан олган ҳадислар ёзилган китоби бўлган.

Шунингдек, баъзи олимлар томонидан тасдиқланган фикрларга кўра, бошқа саҳобаларда ҳам ҳадислар ёзилган саҳифалар бўлган. Улардан, Набит ибн Шарит Абу Салама Ашжай Күфийнинг саҳифалари бўлган, буни Акром Зиё Умарий “Бухус

фи тариха-с-сунна” асарида келтиради. Абдуллоҳ ибн Абу Авфонинг (ваф. 80/996) саҳифаси ҳақда имом Бухорий маълумот берган. Абу Мусо Ашъарий, Саъд ибн Убода, Каъб ибн Амр ибн Убод Абу Юср Суламий (ваф. 55/675), Мухаммад ибн Маслама, Абу Рофе каби саҳобаларнинг саҳифалари бўлган (Абу Мухаммад Ҳасан ибн Абдураҳмон Ромаҳурмузий, 1984:69).

IV/X асрдан кейинги даврларда ҳадис илмига оид турли услуг ва мавзуларда ёзилган китобларнинг кўпайиб кетиши натижасида муҳаддислар уларни мавзуларга, ёзилиш услуби, соҳаси ва бошқа томонларига эътиборан гурухларга ажратиб алоҳида ўрганишни бошлаганлар. Масалан, “Саҳих” номи билан ёзилган ҳадис тўпламларини алоҳида ўрганиб, бу ном билан асар ёзган олимларни тадқиқ қилганлар. Бироқ аввалги муҳаддисларнинг асарларида ҳадис тўпламларини қиёсий ўрганишга жуда кам эътибор берилган, уларда қисқа маълумотлар билан чекланилган. Кейинги даврларга келиб муҳаддислар бу соҳани ривожлантирилар.

Мана шундай олимлардан бири Муборакфурӣ “Тухфату ал-аҳвазий би шарҳ жоме ат-Термизий” асарининг “Муқаддима” қисмидаги комплекс тарзда ҳадис тўпламларини қиёсий ўрганишга эътибор қаратади. Бу китоб Байрутда “Дор ал-кутуб ал-илмия” нашриётида 1990 йили нашр қилинган. Мазкур асарда ҳадис тўпламлари турларини алоҳида келтириб, ҳар бир турнинг ўзига хос жиҳатларини келтириб ўша турга киравчи ҳадис тўпламларини муаллифлари билан қайд этиб ўтади. Муборакфурӣ ўз асарида ҳадис тўпламлари турини 22 тага ажратади.

Аллома муҳаддис Муҳаммад ибн Жаъфар Каттоний (ваф. 1345/1927) “ар-Рисола ал-мустатрафа ли баён машҳур кутуб ас-сунна ал-мушаррафа” асарида ҳадис тўпламлари ҳақида қимматли маълумотларни бериб ўтади. Бу асар шу соҳада ёзилган манбаларнинг машҳури ва кўп фойдаланилгани дейиш мумкин. Унда 1400 га яқин ҳадис тўпламларини 50 дан ортиқ турларга ажратган ҳолда ҳар бирiga таъриф бериб, муаллифларини келтириб ўтган. Шунингдек, муайян турни гурухларга ажратишни ҳам унутмайди. Бу асарга Шайх Абу Яъло Байзовий Мағрибий “Зайл” ёзиб, уни “ат-Таълиқот ал-мустазрафа ала ар-рисола ал-мустатрафа” деб номлайди ва у 2011 йили Байрутда “Дор ал-кутуб ал-илмия” босмахонасида нашр этилган. Замонавий олимлардан Акром Зиё Умарийнинг “Бухус фи тарих ас-сунна ал-мушарифа” асари ҳам диккатга сазовордир.

Кейинги олим Доктор Мұхаммад ибн Матар Захроний (1950–2006) ҳам бу борада тадқиқот олиб бориб, “Тадвина-с-сунна ан-набавия” асарида ҳадис түпламларини қиёсий ўрганади. Бироқ бу тадқиқот ҳадис илмининг ривожланиш босқичларига эътибор қаратгани сабабли Муборакфурийнинг асаридан фарқ қиласди. Шундай бўлсада, унинг баъзи жиҳатлари Муборакфурий асаридан қулай, ўқувчига осон услубда ёзилган.

Олим Сайид Абдулмажид Фаврий “ал-Важиз фи таъриф кутуб ал-ҳадис” асарини 29 та ҳадис түпламлари турини ўрганишга бағишилаб, 2009йили нашр эттирган. Шунингдек, Олим Сайид Абдулмажид Фаврийнинг “Мавсуса улум-ал-ҳадис ва фунуниҳ” асарida ҳам ҳадис түпламлари ҳакида маълумотлар учрайди.

Юқоридаги олимлардан ташқари Ҳожи Халифа “Кашф аз-зунун ан асомий ал-кутуб вал-фунун” асарida ҳадис илмига оид асарларга катта ўрин ажратади. Бироқ бу асар фақат ҳадис илмига тегишли эмас. Фарб олимлари К.Брокелманнинг “Гесчичте дер арабисчен Литтератур” ва Ф.Сезгиннинг “Гесчичте дес арабисчен Скрифттумс” асарларида ҳам ҳадис түпламларига алоҳида боб ажратилган (C.Brockelman, 1937-1942:639) (Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллоҳ, 1941:565).

ХУЛОСА

Юқоридагиларга хулоса сифатида айтиш мумкинки, ислом динининг дастлабки илм соҳаларидан бўлган ҳадис илми асрлар давомида ривожланиб келган. Ҳадис илмининг ривожида саҳобийлар жуда катта хизмат қилган бўлсалар, улардан кейин яшаган тобеин ва табаъ тобеинлар ҳам ҳадисларни кейинги авлодларга етиб келиши ҳамда жамланишида муҳим аҳамият касб этганлар.

Ҳадис илми олимлари томонидан ҳадисларнинг саҳиҳ, ҳасан, заиф каби турларга ажратилиши ҳамда ҳадисларнинг мавзуси, ишонччилиги ва бошқа муҳим жиҳатлари эътиборидан түпламларнинг тузилиши бу соҳада амалга оширилган муҳим ишлар сирасига киради. Муҳаддис олимларнинг ушбу хизматлари эвазига тўқима ҳадислар тарқалишининг олди олиниб, турли фитналарга барҳам берилди. Қувонарлиси, бу хайрли ишларда мовароуннахрлик олимлар ҳам бекиёс хизматлари билан ислом тарихида ўз номларини мангуликка муҳраганлар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда. (1990). Арбау расоил фи улум ал-ҳадис. Байрут: Мактаба ал-Матбуот ал-Исломийя.
2. Абу Иса Термизий. (1993). Ал-Жомеъ ас-сунан. Ҳамидullo Аминов таржимаси. Тошкент: Мовароуннахр.
3. Абу Иса Термизий. (1993). Саҳихи Термизий / Абдугани Абдулло таржимаси. Тошкент: Фоғур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.
4. Абу Мұхаммад Ҳасан ибн Абдурәҳмон Ромаҳурмузий. (1984). Ал-Муҳаддис ал-ғосил байнар-равий вал-ваъий. Байрут: Дор ал-Фикр.
5. Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. (2011). Мусталаҳул ҳадис. Тошкент: Шарқ.
6. Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. (2019). Олтин Силсила: Саҳихи Мұслим. Ж. 1. . Тошкент: Ҳилол нашр.
7. Раҳимжонов Дурбек. (2003). Абу Ҳафс ан-Насафиининг “Китоб ал-қанд фи маърифати уламои Самарқанд” асари – Самарқанд ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тошкент: Тошкент ислом университети.
8. C. Brockelman. (1937–1942). Geschichte der Arabischen Litteratur/ Supplementbande I–III. Leiden.
9. Уватов. (1994). Донолардан сабоқлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Ҳалқ мероси нашриёти.
10. Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллоҳ. (1941). Кашфуз зунун ан асмаил кутуб вал фунун. Байрут: Дор ахё ат-тарос ал-арабий.

REFERENCES

1. Abdul Fattah Abu Ghudda. (1990). Arbau rasail fi ulum al-hadith. Beirut: Maktaba al-Matbuat al-Islamiyya.
2. Abu Isa Tirmidhi. (1993). Al-Jami as-sunan. Translated by Hamidullo Aminov. Tashkent: Mawarannahr.
3. Abu Isa Termizi. (1993). Translation of Sahih Tirmizi / Abdughani Abdullah. Tashkent: Literary and art publishing house named after Ghafur Ghulam.
4. Abu Muhammad Hassan ibn Abdurrahman Ramahurmuzi. (1984). Al-Muhaddith al-fasil baynar-rawi wal-wa'i. Beirut: Dar al-Fikr.
5. Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. (2011). An Authentic hadith. Tashkent: Sharq.
6. Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. (2019). The Golden Chain: Sahih Muslim. Vol. 1. Tashkent: Hilal publishing house.
7. Rahimjonov Durbek. (2003). Abu Hafs al-Nasafi's book "Kitab al-Qand fi ma'rifati ulamai Samarkand" is an important source for the history of Samarkand hadith science. Tashkent: Tashkent Islamic University.
8. C. Brockelman. (1937–1942). Geschichte der Arabischen Litteratur/ Supplementbande I–III. Leiden.
9. Ubaidulla Uvatov. (1994). Lessons from the wise. Tashkent: Publishing House named after Abdulla Qadiri.
10. Haji Khalifa Mustafa ibn Abdullah. (1941). Kashf az-Zunun. Beirut: Dar ihyia al-turath al-arabi.